



# Tadqiqot.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCE.uz

30 ИЮН  
№29

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 29-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
22-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
29-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-22**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
29-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-22**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 29-күп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ  
ИННОВАЦИЯЛАР**

<b>1. Qodirov Abdurashid Abduxalimovich</b>	
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР .....	7
<b>2. Ataboyeva Gulnoza Sattarganova</b>	
SUV TANQISLIGI JARAYONIDA DARAXTLARNING SUVGA BO'LGAN TALABI .....	9



## БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

**Qodirov Abdurashid Abduxalimovich**

Qo‘qon shahar 36-maktab  
Jismoniy tabiya fani o‘qituvchisi  
e-mail:abduxalimovich@inbox.uz

**Аннотация:** Мақолада жисмоний маданият, жисмония тарбиянинг инсон маънавияти ривожланиши учун таъсири ва унинг ҳаётимиздаги ўрни, ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ҳақидаги қарашлар акс этган

**Калит сўзлар:** саломатлик, баркамол инсон, соғлом авлод, ҳаракатли ўйинлар

Мамлакатимиз ўз эркига эга бўлгандан сўнг, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, хусусан, спорт соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўла бошлади. Айникса, юртбошимиз спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Спорт – соғлом муҳитни яратишда, ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан ва маънан камол топтиришда ҳал қилувчи кучга эга. Сабаби, биз ҳамон тараққиёт сари кетаётган эканмиз, ҳали йўлимизда ечилиши керак бўлган таълимий муаммолар талайгина. Масалан, шу кунларда ҳаёт талаби ва тарбия услублари ўртасида қандайдир заифлик, бўшлиқ мавжуд. Бинобарин, мана шу бўшлиқни тўлдириш учун ҳалқимизнинг бебаҳо анъаналари, ноёб қадриятларидан ҳисобланмиш ҳалқ ҳаракатли ўйинлари, жисмоний тарбия машғулотлари муҳим ўрин тутади.

Тарихга мурожаат қиласиган бўлсак, ибтидоий жамоа давридаёқ ҳалқҳаракатли ўйинларининг дастлабки намуналари пайдо бўла бошлаган. Фидоий ҳалқимиз неча юз йиллар давомида ҳар бир ўйинни қалб-кўри билан яратди, сайқаллади ва мукаммаллаштириди. Сараланган ўйин турларини келгуси авлодлар учун кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келди. Тараққиётнинг ҳар қандай босқичларида ҳам катта авлод вакиллари кенжа авлод вакиллари учун ёрдам қўлларини чўзиб, имкон қадар, ўзтўплаган билим ва тажрибаларини севимли машғулотларига бўлган муносабатларини ўшларга ҳам тинмай ўргатиб, тадрижий боғланишини вужудга келтириди. Демак, ўшларни жисмоний тарбиялаш жараённида ҳалқ ҳаракатли ўйинларидан ўз ўрнида кўпроқ фойдаланилса, ўйинларнинг таъсирчанлиги ҳам ошади. Бунинг мамлакатимиз ва миллатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи юксалиши учун аҳамияти катта. Шундай қилиб, ҳалқ яратган ҳаракатли ўйинлар меҳнат, турмуш тарзи, атроф-мухит табиати, ҳалқнинг маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари, умуминсоний қадриятлари билан бирикиб, ажойиб ажойиб мутаносибликни ҳосил қиласиди. Ўзбек ҳалқ ўйинларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва уни ўшларни тарбиялаш амалиётига жорий қилиш, ўз қадриятларимиз, маданиятимиз ва маънавий бойликларимизнинг юксакликка кўтарилишида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Ҳалқ яратган буюк ҳазинани эҳтиёт қилиб сақлашимиз, миллийлик бўёғини асраримиз ҳамда уни келажак авлод учун бекам-у кўст етказишимиз зиммамиздаги асосий вазифадир. Ҳаракатли ўйинлар давомида болаларни муайян ролларга, образларга (овчи, мерган, топкир, айиқ-полвон, тулковой ва бошқа тақлиидлар) кириб кетиши уларда излаш, ижодкорлик, топқирлик, зукколик ва бошқа шу каби хислатларга эришишга ундовчи мотивацияни юзага келтириб, нафакат ушбу тақлид, балки ҳаракатга бўлган эҳтиёжни қондириш ўйларини топишга чорлар экан. Дарҳақиқат, ҳалқ ҳаракатли ўйинларнинг турлари ва мазмуний шакллари ҳилма-хил бўлиб, улар хотира, дикқат, идрок, онг, тафаккур, ирода каби қобилиятлар, талаффуз, нутқ, интонация каби хислар, ҳамжихатлик, ҳақгўйлик, ватанпарварлик, ўзаро ёрдам бериш, одоб-ахлоқ, мардлик, ботирлик, жасурлик каби фазилатларни шакллантиради, тарбиялайди. Шунинг учун ҳам



умумбашарий ва миллий ҳалқ ҳаракатли ўйинлари инсон саломатлиги, унинг дунёкараши, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол шахс сифатида тарбиялашда устивор восита эканлиги исбот талаб қилмайди. Ўйинлар аввало тўғри танланиши, шуғулланувчи болаларёши, жинси ва жисмоний имкониятларига мос бўлиши даркор. Ўйиннитўғри танлаш ва мақсадга мувофиқ равишда ўтказиш жуда муҳим аҳамиятгаэга. Аммо ўйин ҳамма вақт ҳам тарбиявий вазифаларни ҳал килавермайди. Болалар ўйин давомида ўз феъл-атвори ва шахсий хусусиятларини намойиш қиласидар. Бундан эса ўқитувчи уларнинг турли одатларини, салбий ва ижобий қизиқишлигини билиб олиши, тегишли тадбирларн белгилаши, ўйинни муайян йўналишга солиб, уларда софдиллик мардлик, ростгўйлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамқорлик, ҳурмат-иззат каби ҳислатларни шакллантириши лозим. Шу билан бирга у болаларга ўйин қоидаларини бузмаган ҳолда ижодий ташабbus кўрсатишда ҳар жиҳатдан ёрдам бериши керак. Ўқитувчи ўйинларни ўтказиш жараёнида педагогиканинг дидактик принципларидан фойдаланиши ва доимо уларни амалга оширишга эришиши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларга ҳар бир ўйиннинг мазмуни, вазифаси ва қоидаларини тушунтириб беради. Бу эса уларга ўйинга онгли муносабатда бўлиш, уни тўғри ўрганиб олиш, ўз ҳатолари ва ютуқларини тўғри тушуниш ва ўз ҳаракатларини ўртоқларининг ҳаракатларига қиёслаб таҳлил қилиш имконии беради. Ўқувчининг ўйин машқларини ўрганишда ўқитувчига кўр-кўрона тақлид қиласвериши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитувчи ўргатадиган ва ўқувчилар онгли равишида бажарадиган ҳаракатлар болаларда ташкилотчилик кўникмаларини тарбиялашда ёрдам бериши керак. Бунга ўйинни ўтказиш учун ўқувчилардан ҳакамлар ва уларнинг ёрдамчиларини тайёрлаш йўли билан эришилади. Ўқитувчи болалар билан ўтказиладиган ўйинлар бироз муайян қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлишига, ўйин жараёнида бажариладигай ҳар бир вазифа амалга ошишига эришиши ва тўсиклар қандай забт этилишига кўра мураккаблаштириб борилиши зарур. Бу иш болаларни меҳнатсеварликка ўргатади, улардаги иродга кучини орттириб боради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. 2017 йил, 22 декабрдаги нутқи. / “Халқ сўзи”. 2017 йил 23 декабрь. №258
2. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999, 183 б
3. ziyoronet.uz
4. www.uz



## SUV TANQISLIGI JARAYONIDA DARAXTLARNING SUVGA BO'LGAN TALABI

**Ataboyeva Gulnoza Sattarganova**  
Xorazm viloyati Hazorasp tumani  
24-maktab biologiya fani o'qituvchisi  
Tel: 99899 218 50 89

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada suv tanqisligi sharoitida degradatsiyaga uchragan yerlarda o'rmonlar barpo qilish, tuproq unumdorligi pastligi, va sizot suvlari sathini inobatga olib amalga oshirish xususida fikr yuritilgan.

**Kalit so`zlar:** Degradatsiya, tuproq, unumdorlik, sho'rlanish, ekologiya, muvozanat, mineralizatsiya, sizot suvlari va daraxt.

Degradatsiyaga uchragan yerlarda o'rmonlar barpo qilish tuproqning unumdorligi pastligi, sho'rlanishi va sizot suvlari sathini inobatga olib, amalga oshiriladi. Shunda ana shu xususiyatlariiga qarab, daraxt turi tanlanadi. Yuqori sho'rlanish, sizot suvlari sathiva mineralizatsiyani kamaytiruvchi daraxt turlari ekilsa, ekologik muvozanat taminlanadi va daraxt xilma-xilligi biodrenaj potensiyalini ko'rsatadi.

Degradatsiyaga uchragan yerlarga daraxtlar ekish,qishloq xo'jaligi ekinlari yetishtirishchun yaroqsiz bo'lgan yerkarning tuproq unumdorligini oshirishda va qishloq aholisiqurilish materiallari, yoqilg'I mahsuloti va yem-xashakka bo'lgan ehtiyojini qondirishda juda katta ahamiyatga ega. Shu bilan birga daraxtlar transpiratsiya orqali yer yuzasiga yaqinjovlashgan va mineralizatsiya darajasiyuqori bo'lgan sizot suvlari sathini pasaytiradi.

Xorazm viloyatida sizot suvlari sathi va mineralizatsiya yuqori, shu bois ko'pchilik yer maydonlarining tuprog'i sho'rlangan va sho'rlanishga moyil . Bunday sharoitda daraxtzorlar barpo etishchun tuproq sho'rlanishiga chidamli, transpiratsiyaqobiliyati yuqori va tez o'sadigan daraxt turlarini tanlab olish maqsadga muvofiqdir.

Ushbu maqsadga erishish uchun ko'plab tadqiqotlar olib borilgan. Tadqiqotning maqsadi uch turdag'i mahalliy daraxtlarning barg suv potensialini o'Ichagan holda ularning suvgaga bo'lgan talabini aniqlash va mavsum mobaynida daraxtlarda suv tanqisligi holatini aniqlashdan iborat. Tajribada daraxtlarni egatlab, tomchilatib sug'orishvariantlarida kundalik va mavsumiy barg suv potensiali aniqlandi va ularning barg suv potensiallari taqqoslandi.

Mavsum mobaynida havo harorati o'rtacha 17C bo'lib, kundalik minimum va maksimum havo harorati -8C va 43C oralig'ida bo'ladi. O'rtacha havo namligi yil mobaynida 26-86 foiz yillik yog'in miqdori esa 41,2mm ni tashkil etdi.

Xorazm viloyatida o'sadigan mahalliy o'n tur daraxtni monitoring qilish natijasida, ulardan sho'rlanishga chidamli va mahalliy aholi tomonidan ekiladiganuchtasi tanlab olindi. Ular jiyda, qayrag'och va turang'il dan iborat. Ammo ularni degradatsiyalanayotgan tuproqda ekishga tavsiya qilishdan oldin suv tanqisligi, sho'rlanish, oziq moddalar taqchilligi, biomassasining taqsimlanishiga alohida e'tibor berish kerak.

Sug'orish suvining tanqisligi daraxtlar ildiz tizimi sizot suviga yetib borguncha chidamliligini talab qiladi. O'zbekistonda sug'orishning hozirgi usullari 0,67 deb baholangan, shundan egatlab 64%, bo'laklab 31% va bostirib sug'orish 5%ni tashkil etadi. Tomchilatib sug'orish usulida egat usuliga qaraganda 31-39% suv tejaladi. Tomchilatib sug'orish texnologiyasi ildiz o'sishi va daraxtning to'liq ekspluatatsion ko'rsatkichlarini oshiradi. Demak, tomchilatib sug'orish usulida suv dalaning hamma joyiga bir xilda yetkazib beriladi, sug'orish suvi tejaladi va sug'orish qismidan tashqarida begona o'tlar o'sishining oldini oladi. Ammo sho'rlangan tuproqlarda tomchilatib sug'orish usuli unchalik qo'l kelmaydi. Tomchilatib sug'orish usuli unchalik qo'l kelmaydi. Tomchilatib sug'orishda tuz miqdori qoniqarli darajada saqlansa-da, ildiz tizimi atrofida tuz yig'ilishi kuzatiladi. Bu natijalar sug'orish suvlari yetarlichabo'lman tuproqlardatomchilatib sug'orish usulida daraxtlarning moslashish, o'sish ko'rsatkichlarini belgilaydi. Tanlangan uchta daraxtni o'rganish natijasi, sho'rlanish darjasiyuqori va sug'orish suvlari tanqisligi sharoitida biomassasing taqsimlanishini o'zgaruvchanligini ko'rsatdi.

Fiziologik tadqiqotlarda ishlatalilgan suvning samaradorligi deb fotosintezga sarflangan suvning transpiratsiyaga nisbati olinadi. O'simlik to'qimasidan bug'langan suv miqdori, qabul qilingan suv miqdoridan ko'p bo'lsa, suv tanqisligi paydo bo'ladi. Suvning o'simlik tanasi orqali to'xtov-



siz harakatlanib turishi uchun suv tanqisligi 5-10% dan ortmasligi kerak. Agar tuproqdagi namlik kamayib ketsa, suv tanqisligi 25% gacha ko‘tariladi.

Har bir daraxtdan 6 kun davomida 3 ta takroriy ravishda barg olinib, barg suv potensiali aniqlanganda, daraxtlarga suvni tejab tomchilatibberishimizga qaramasdan, bu daraxtlarda stress holat yuzaga kelmadи.

O‘rganilgan daraxtlarning barg suv potensiali bir-biridan farq qildi, ammo ularda suv tanqisligi jarayoni kuzatilmadi. Shunday bir ilmiy faraz bor: harorat qancha ko‘tarilgani sayin barg suv potensiali shunga qarama-qarshi tarzda namoyon bo‘ladi.

**Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Abdullayev S.A., Boirov A.J., Sattorov J.S. Xorazm viloyati tuproqlari. O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, -Toshkent: Fan. 2003
2. Haydarov Q.H., Hojimatov Q.H. O‘zbekiston o‘simgiliklari.-Toshkent: O‘qituvchi. 2013.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 29-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(22-қисм)**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

**Эълон қилиш муддати: 30.06.2021**

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000